

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2018 —
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.МУХАММЕДОВА	
Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш.....	73
ТИЛШУНОСЛИК	
К.КАРИМОВ	
Маданиятлараро мулоқот ва таржима муаммолари.....	76
У.НОСИРОВА	
Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари	80
Н.АХМАДЖОНОВ	
Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир	83
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА	
Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари	86
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА	
Коеффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала	89
Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА	
Векуа-Эрдей-Лоундес типига янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида.....	92
Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин.....	94
А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ	
Шайх Акбар (Улуғ Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар	97
У.НАЗИРОВ	
Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари.....	100
А.КОСИМОВ	
XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари).....	102
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги	105
А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА	
Концептнинг тоифалари.....	108
К.ХОДЖАХАНОВА	
Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари.....	110
Б.ҚУРБОНОВА	
Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари.....	113
Н.МЕРГАНОВА	
Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти.....	115
Э.ДЖАББАРОВА	
Модуляр таълим инновацион таълим сифатида	118
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ	
Узлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари	121
АДАБИЙ ТАҚВИМ	
Ибратли ҳаёт йўли.....	124
ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография.....	127

УДК: 8

ВИКТОРИАН ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА АЁЛ ТАҚДИРИНИНГ АКС ЭТИШИ

Х.Мухаммедова

Аннотация

Мақолада викториан инглиз адабиёти адиблари асарларида аёл тақдирининг акс этиши таҳлил этилади. Мазкур даврда ижод этган Ч.Диккенс, опа-сингил Бронтелар, Э.Гаскелл, Ж.Элиот кабилар асарларида аёл тақдири турлича тасвирланади.

Аннотация

В статье анализируется судьба женщин в произведениях английских писателей Викторианского периода. В этот период писатели, такие как Ч.Диккенс, сестры Бронте, Э.Гаскелл, Ж.Элиот по-разному описывали судьбу женщины в своих произведениях.

Annotation

The article analyzes the fate of women in the works of English writers of the Victorian period. During this period writers such as C. Dickens, Sisters Bronte, E. Gaskell, J. Eliot described the fate of women in their works in different ways.

Таянч сўз ва иборалар: Викториан давр, образ, аёл, тақдир, Викториан аъна, характер.

Ключевые слова и выражения: викторианский период, образ, женщина, судьба, Викторианская традиция, характер,

Keywords and expressions: Victorian period, image, woman, fate, Victorian tradition, character.

Инглиз адабиёти тарихида Викториан даври адабиёти ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Мана шу даврда Буюк Британияда саноат тараққиёти юксак даражага кўтарилди. Саноатнинг ривожланиши нафақат инглиз жамияти, балки инглиз адиблари асарларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Инглиз адабиётининг йирик вакиллари бўлган В.Теккерей, Ч.Диккенс, опа-сингил Бронтелар, Э.Гаскелл, Ж.Элиот асарларида саноатнинг акс этишини кўришимиз мумкин. Адабиётшунос олим Ф.Р.Левис “Буюк Аъна” асарида “техника тараққиёти инсоннинг ўзгаришига сабаб бўладиган омил, аммо шундай бўлса-да, бадий асар инсон масъулияти ҳиссини оширишга хизмат қилиши керак”, деб таъкидлайди [1.69]. Викториан даври адиблари ижодида саноат ривожланиши натижасида инглиз жамияти ҳам ўзгарганлигини ва унда вужудга келган ижтимоий муаммолар ҳам мавжудлиги кўзга ташланади. Хусусан, Чарльз Диккенснинг “Жажжи Доррит”, “Бизнинг умумий дўстимиз”, “Домби ва унинг ўғли” асарларида техника тараққиёти орқали инсонлар тақдири очиб берилади. “Домби ва унинг ўғли” асарида жаноб Домбининг қизи бўлган мис Флоренс орқали аристократ оила тасвирланади. Флоренс отаси жаноб Домбидан фарқ қилган ҳолда отасининг меҳрини қозонишга ҳаракат қилади. Кичкина бекача сифатида тасвирланган Флоренс образида инглиз аёлининг оддий тақдири акс

этади. Флоренс ҳашаматли ҳаётдан воз кечади, у отасининг бағритош бўлиб қолишига ҳам саноат айбдор, деб ҳисоблайди. Унинг кучли иродасини, айниқса, уйдан кетиб, мустақил ҳаёт бошлаганида кўриш мумкин. Чарльз Диккенс асарларида тасвирланган аёллар тақдири турлича ифода этилади. Унинг асарларида аёллар бека сифатида тасвирланади. Бироқ бекалар турличадир. Бадавлат хонадон вакиллари бўлган аёлларнинг қандай вояга етганлиги аниқ тасвирланмайди [2.11]. Аммо хизматкор аёллар тақдири ёшлигидан то вояга етганигача аниқ ифода этилади. Чарльз Диккенс асарларида тасвирланган аёл образларини содда, аноий, жайдари, разил, захарханда, ёвуз типдаги характерларга ажратиш мумкин. Асарларда кўрсатилган ижтимоий муаммоларда аёл характерининг типлари уларнинг тақдирлари орқали очиб берилади [3.125].

Чарльз Диккенснинг замондоши бўлган Элизабет Гаскелл асарларида ҳам бу мавзу давом этади. Адибанинг йирик ҳажмдаги “Кренфорд”, “Шимол ва Жануб” асарларида саноат маркази ҳисобланган Манчестер маданий, сиёсий ва саноат марказига айланган шаҳар эди. Элизабет мана шу ўзгаришларга гувоҳ бўлди ва асарларида мана шу ўзгаришларни тасвирлади.

1848 йилда нашр этилган “Мэри Бартон”

Х.Мухаммедова – ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси.

асарининг мавзуси Шимолдаги саноат марказларида яшайдиган ишчиларнинг аҳволи ва уларнинг аччиқ тақдирини очиб бериш эди. “Мэри Бартон” асарида ижтимоий реализм ҳақиқати Чарльз Диккенс эътиборини тортмай қолмади. Адиба “Шимол ва Жануб” асарида Буюк Британиянинг илк саноат даври тасвирланган бўлиб, унда иш берувчилар ва ишчилар ўртасидаги низолар орқали мураккаб характердаги ижтимоий муаммолар олиб чиқилади. Уларнинг ечими эса асар қаҳрамони Маргарет Хейл орқали ўз ечимини топади. Асарда саноат маркази сифатида Мильтон шаҳарчаси тасвирланади. Мильтонда Маргарет йирик саноатчи жаноб Жон Торнтон билан танишади ва у орқали ишчиларнинг аччиқ ҳаётига гувоҳ бўлади. Саноат тараққиёти натижасида ишчилар иш ўринларини йўқотадилар. Мана шу иш ўринларини йўқотмаслик учун ишчилар кураша бошлайдилар. Жаноб Торнтон билан ишчилар ўртасидаги низолар Маргарет Хейл орқали очиб берилади. Маргарет ишчилар олиб бораётган курашга ҳайрихоҳ бўлиб, жаноб Торнтонга тинчлик йўли билан масалани ҳал қилиш мумкинлигини тушунтиришга уринади. Жанубдан келган Маргарет учун Шимолда жойлашган Мильтонда доимо қор ёғарди, оппоқ пахтадан қилинган қор Мильтон шаҳрини қоплаб олганди. Мана шу қор Мильтон аҳолисининг юрагини қоплаб олганди. Жанубда осуда ҳаёт кечирган Маргарет Хейл учун саноат шаҳридаги воқеалар шовқин-суронда рўй берарди. Адиба асарларида ишчи аёллар образи кенг намоён бўлади. Адиба ишчи аёллар тақдирини ифода қилишда бевосита Манчестердаги юз бераётган воқеалар билан узвий тасвирлайди.

Элизабет Гаскеллга ҳамоҳанг тарзда опа-сингил Бронтелар ижодида саноат тараққиётига кенг урғу берилмайди. Опа-сингил Бронтелар ўз асарларида кўпроқ маърифатли аёл образини яратишга муваффақ бўлишди. Хусусан, Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр” асари инглиз танқидий реализмининг нодир асарларидан бирига айланди. Асарнинг асосий ғояси таълим-тарбия масаласидир. Адиба асарда таълим-тарбия орқали инглиз жамиятида ҳар ким ўз ўрнига эга бўла олишини кўрсатади. Асар бош қаҳрамонни Жейн Эйрнинг болалик давридан бошланади. Саккиз ёшли Жейн Эйр ота-онасидан ажралгач, аммаси Рид хонимнинг қарамоғида қолади. Рид хоним табиатан жоҳил аёл бўлиб, жияни Жейнни ёқтирмас ва унга жуда совуқ муносабатда

бўлар эди. Саккиз ёшли Жейндан ҳеч қандай манфаат кўрмаган Рид хоним ундан қутулиш мақсадида Ловуд қизлар мактабига топширади. Ловуд мактабидаги оғир шароит туфайли кўпгина қизлар касалликка чалиниб, вафот этишарди. Жейннинг энг яқин дугонаси Эллен ҳам касалликка чалиниб, ҳаётдан эрта кўз юмади. Бу, Жейнга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. У бор кучи билан таълим олишга ҳаракат қилади. Мактабда француз тилини ва расм чизишни яхши ўзлаштиради. Натижада у француз тили ўқитувчиси бўлиб етишади. Мактабни тугатгач, Жейн Эйр иш излай бошлайди, газеталарга эълон беради. У жаноб Рочестер хонадонидан иш топади. Жаноб Рочестернинг асранди қизи Аделга француз тилидан дарс беради. Умрининг асосий қисмини саёҳатларда ўтказадиган жаноб Рочестер эътиборини уйда дарс бераётган ўқитувчи Жейн Эйр тортади. Жаноб Рочестер ва Жейн ўртасидаги суҳбатлардан ўқитувчининг рассомларга хос нозик диди ва салоҳияти сезилиб турарди. Мана шу жиҳат жаноб Рочестерни мафтун этади. Жаноб Рочестер бахтсиз никоҳини Жейнга тўй кунигача айтмайди. Тўй куни жаноб Рочестернинг бахтсиз никоҳи ҳақида хабар топгач, Жейн Рочестер хонадонини тарк этади. Жейн турли қишлоқларда ўқитувчилик қилади. Асар якунида Жейн жаноб Рочестер ҳақида нохуш хабар эшитади ва уни кўргани хонадонига боради. Йўлда Жейн жаноб Рочестер хонадонига рўй берган катта ёнғин туфайли кўр бўлиб қолганини эшитади. Шундай бўлса-да, Жейн жаноб Рочестер билан учрашади ва унга турмушга чиқади.

Асар янгилиги шунда эдики, бош қаҳрамон оддий аёл бўлиб, у меҳнат қилиш ҳуқуқини, мустақил ҳаёт кечириш ҳуқуқини ва ҳурматни талаб қилади ва курашади.

Жейн Эйр – ҳаёт ҳақида теран фикрлайдиган аёл; у туйғуларини ва интилишлари ҳақида баралла айта оладиган аёл ҳамдир. Жейн Эйр образида адиба ўз ҳаёт йўлини танлай оладиган, нафақат рафиқа, балки яхши ҳамроҳ бўла оладиган замонавий аёл ҳақидаги тасаввурларини мужассамлаштиради. Викторинан Англия шароитида бундай муаммонинг ёритилиши адибанинг янги қарашлари сифатида қабул қилинди[4.156]. Жейн Эйр образига ўхшаган характерлар на Диккенс ва Теккерей ижодида, аёл характерларига кўп урғу берган Элизабет Гаскеллда ҳам учрамайди. Ш.Бронтенинг бундай журъати замондош адибларда катта таассурот уйғотди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Анна Бронтенинг йирик романи “Нотаниш аёл” деб номланади. Асар 1848 йилда ёзилган бўлиб, кейинчалик инглиз адабиётида энг дурдона асарлар қаторида эътироф этилади. Асарнинг бош қаҳрамони Хелен Гредем ўтмишидан воз кечган ҳолда Уайлдфелга қочиб келади. Даставвал унга атрофдаги одамлар яхши баҳо бермайди. Анна алкоғолизм иллоти туфайли бахтсизлик нима эканлигини ва унинг тузатиб бўлмас жароҳатларини Хелен орқали ифода этади. Хеленнинг турмуш ўртоғи Артур Хантингтон ичкиликка муккасидан кетган одам. Уни бу балодан ҳеч ким қутқара олмайди. Истаганидек ҳаёт кечирадиган Артур ўғлига ҳам ичкиликни татиб кўришни буюради. Хеленга бу қаттиқ таъсир қилади. Агар бу давом этса оқибатда ўғлининг ҳаёти эриникидек бўлиб қолишини истамайди. Ва уйдан кетишга қарор қилади. Уайлдфилга келиб, ижара уйда яшай бошлайди. Одамларга қўшилмайдиган Хелен буюртмалар асосида расм чизарди. Унинг бу тарзда ҳаёт кечириши ижара уйнинг эгаси бўлган Гилберт Мархемга ғалати туюлади. Ўзи ҳақида гапиришни хуш кўрмайдиган Хелен тинимсиз ишлар ва атрофдаги аёлларга ўхшамас эди. У ҳақда ҳар хил гаплар пайдо бўлади. Турмушга чиққан аёлнинг боласини эридан асраш ва уни вояга етказиши Гилбертга бироз эриш туюлади. Аммо Хеленнинг хотираларини ўқиб кўргачгина уни ранжитганини тушуниб этади. Эрининг бетоб бўлганини эшитган Хелен уйга қайтади ва эрини парвариш қила бошлайди. Бироқ хасталикка чалинган Артур вафот этади. Асарда Хеленнинг кучли иродаси унинг чизган расмларида ҳам акс этади. Маърифатли аёл бўлган Хелен тақдири Уайлдфелда яққолроқ очиб берилади. Айнан опа-сингил Бронтелар ижоди маърифатли аёл тақдирини акс эттиради.

Аёл тақдирини асарнинг бош қаҳрамонлари орқали тасвирлаш услуби Жорж

Элиотда ҳам учрайди. Викторинанъаналардан узоқлашмаган Жорж Элиот ҳам замондошлари ижод қилган мавзуларда асарлар ярата олди. Унинг ўзига хослиги шунда эдики, у кўпроқ қишлоқ ҳаёти орқали аёл тақдирини очиб берди.

Жорж Элиотнинг яратган романларида асосан қишлоқ ҳаёти воқеалари тасвирланади. Унинг қаҳрамонлари оддий кишилар: темирчи Адам Бид, тўқувчи Сайлас Марнер, майда фермерлар, қишлоқ руҳонийлари ва бошқа касбга мансуб кишилардир. Ёзувчи табиатан содда, ҳақгўй ва сахий бу одамларнинг камсукум ҳаётини реал тасвирлашга ҳаракат қилади. Улар орасидан асарига ижобий қаҳрамонлар излайди.

Жорж Элиот реализмнинг қирралари унинг “Флоссдаги тегирмон” (The Mill on the Floss, 1860) ва “Миддлмарч” асарларида кўринади. Масалан, “Флоссдаги тегирмон” романининг қаҳрамони Мэгги Талливер қишлоқдошларига ўхшамасликка, улардан ўзини устун кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу эса унинг хатоси эди. Мэггининг укаси Том эса ҳаётда опасининг хатти-ҳаракатларини тушунмай яшайди. Том онасига ўхшаган бўлса, опаси Мэгги отасининг ҳарактерини ўзида шакллантирган эди. Шу боис опа-ука ҳаётда турли характер ва хулққа эга бўладилар, ўзаро келишолмайдилар. Муаллиф романда Англиянинг бир қишлоғи- Сенг-Огсда яшовчи фуқаролар ҳаётидаги хулқ-атвор ва характерларнинг ранг-баранглигини ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилади. Жорж Элиот ўз ижодида XIX аср инглиз танқидий реализм адабиётида ижтимоий турмуш мисолида шаклланган хулқлар кўрсатиб берилади.

Аёл тақдирини Викторинанъаналар билан узвий тарзда тасвирлаш услуби викториан адибларга хосдир. Аёлни уй бекаси сифатида тасвирлаш орқали инглиз аёлининг типик қиёфаси намоён бўлиши кузатилади.

Адабиётлар:

1. Leavis F.R..Great Tradition. London. 1950.-P. 69.
2. Chantel L. Framing the Victorian Heroine: Representations of the Ideal Woman in Art and Fiction. University of Louisiana at Lafayette. 2004.-P 11.
3. Nestor P. New opportunities for self-reflection and self-fashioning: Woman, letters and the Novel in mid Victorian England. Monash University Press, Melbourne. 2012, -P 125.
4. Bronte Sh. The Brontes: Their lives, Friendship and Correspondence. Ed. T.J.Wise and J.A.Symington. Oxford 1934. Vol 3., -P.156.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).